

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМИЯТИ ВА ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИДА АЁЛ ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна

Хоразм вилояти ХТХҚТМОҲМ “Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси”
кафедраси катта ўқитувчisi, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6983338>

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси жамияти ва парламент ҳаётида аёлларнинг ўрни тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калим сўзлар: аёл, жамият, парламент, депутат, гендер, тенглик, ҳимоя, соғлик, Ўзбекистон.

РОЛЬ ЖЕНЩИН-ДЕПУТАТОВ В ОБЩЕСТВЕ И ПАРЛАМЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация. В данной статье представлены мнения и комментарии о роли женщин в обществе и парламенте Республики Узбекистан.

Ключевые слова: женщина, общества, парламент, депутат, гендер, равенство, защита, здоровье, Узбекистан.

ROLE OF WOMEN DEPUTIES IN THE SOCIETY AND PARLAMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTON

Abstract. This article presents opinions and considerations about the task of women in the society and parliament of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: woman, society, parlament, deputies, gender, equality, protection, health, Uzbekistan.

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи – шунга эътибор беринг, 72 фоизи – айнан хотин-қизлардир[1].

Жамиятимизда аёллар ва эркаклар тенглиги борасида бир қатор Қонунлар[2] ҳамда қарорлар қабул қилинди [3].

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-кувватлаш, уларга муносаб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида бутун дунёдаги ва минтақадаги муаммолар хусусида Ўзбекистоннинг сиёсий ёндашуви аниқ ва теран ёритиб берилди.

Ушбу тарихий нутқда гендер тенглиги ва хотин-қизларга эътибор масаласи алоҳида тилга олингандиги, хотин-қизлар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро даражада илгари сурилган оқилона сиёsat намунасиdir.

Бинобарин, Президентимиз ўз нутқларида гендер тенглик сиёсати мамлакатда устувор масалага айлангани, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни таборо кучаяётгани, янги парламентда аёл депутатлар сони икки бараварга кўпайгани ҳақида билдирган фикрлари Ўзбекистон Республикасида яшаётган ҳар бир аёл учун фарҳ ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳақиқатдан ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Аёлларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор тараққиёт дастурининг энг асосий тамойилларига мос равишда олиб борилмоқда. Зоро, БМТнинг барқарор тараққиёт дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларда фаол иштирок этишини таъминлаш масаласи алоҳида ўрин олган.

Давлатимиз раҳбарининг гендер тенглик борасида олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли бугун ҳар бир аёл қалбида нафақат сиёсий фаол бўлиш, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда бевосита иштирок этиш иштиёки жўш урмоқда. Сабаби, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва салоҳиятига катта ишонч билдирилмоқда.

Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга қўпайгани, Олий Мажлис Сенати раиси хотин-қизлар вакили эканлиги, туманларда аёл ҳокимлар фаолият олиб бораётгани нафақат минтақамизда, балки халқаро миқёсда ижобий баҳоланмоқда. Қувонарлиси, бу соҳада амалга оширилаётган амалий ишлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб бораётир.

Умуман олганда, мамлакатимизда аёллар масалалари бўйича олиб борилаётган ислоҳотларни халқаро майдонда баралла айтилиши, ўзбек аёлининг эркин, ҳуқуқлари кафолатланган, ҳимояланган давлатда яшаётганини яна бир бор тасдифидир [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармонининг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Тошкент шаҳрида 2020 йил 14 декабрь куни “Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли” мавзусида биринчи форум ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда EXXT билан биргаликда ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Нарбаева кириш сўзи билан иштирок этди. Олий Мажлисда хотин-қизлар иштирокида қабул қилинган муҳим қарорлар жамиятни демократлаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайди. Шу жиҳатдан мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Олиб борилган амалий ишлар натижасида ўтган йилги сайлов якунлари бўйича парламентнинг қуи палатасига 48 нафар аёл депутат этиб сайланди. Бу депутатлар умумий сонининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизни ташкил этмоқда. Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларимизда ҳам ёшларга бошланғич синфданоқ гендер тенглик тушунчасини сингдиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу келажакда ёш авлодни маънан ва руҳан етук инсонлар қилиб тарбиялашга

асос бўлади, десак муболаға бўлмайди. Ўқувчиларга мактаб остонасидан бошлаб гендер тенглик тушунчасини англатиш, эртага бу ёшлар оиласида аёлни хурмат қиласи, онани эъзозлайди.

Илм-фан, таълим-тарбия ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жараёнларига хотин-қизларни кенг жалб этиш масалалари ҳам кенг муҳокамаларга, таклиф ва тавсияларга бой бўлди. Қайд этилганидек, бугунги кунда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга аёллар 25 фоизни, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга аёллар эса 20 фоизни ташкил этаётгани соҳада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатмоқда [5].

Шу ўринда дунё сиёsat оламида аёллар нуфузига ҳам қисқача тўхталиб ўтсак. «Аёл ва сиёsat» ибораси кўпчиликнинг, айниқса эркакларнинг салбий реакциясига сабаб бўлади. Ахир, кўпчиликнинг миёсида аёлнинг ўрни фақат уйда деган фикр мустаҳкам ўрнашган. Яқин ўтмишда ҳатто ривожланган Германияда ҳам, агар эсингизда бўлса, идеал аёлнинг немис жамиятидаги ўрни ва ролини белгилайдиган учта «K» (kinder, Küche и kirche — «болалар, ошхона ва черков») тамойили мавжуд эди. Бироқ замонавий жамиятда аёлларнинг ўрни доимий равишда ошиб бормоқда ва бугунги кунда Германияда ҳам, бошқа Европа мамлакатларида ҳам квоталар орқали жуда яхши натижаларга эришилмоқда. Скандинавия давлатлари ҳукумат ва парламентдаги аёллар сони бўйича умуман бутун сайёрадан олдинда.

Кўринишидан, бизнесда аёллар учун квоталар фақат фойдали бўлади. Немисларнинг ўzlари таъкидлаганидек, Германиянинг бизнеси ҳақиқий эркаклар клуби эди: маҳаллий 160 та йирик компанияларда аёлларнинг атиги 17,4% кузатув кенгашларида, 6,1% эса бошқарув кенгашларида эди. Шу билан бирга, эркаклар ва аёллар ўртасида маошдаги фарқ 22 фоизни ташкил этарди.

Интеграция жараёнини тезлаштириш учун Германия ҳукумати 2016 йилдан бошлаб энг йирик компанияларга директорлар кенгашидаги ўринларнинг 30 фоизини аёлларга беришни буюрди. Агар компания тегишли лавозимга аёл киши топа олмаса, унда муносиб номзод танланмагунча жой бўш қолади. Келажакда номзод изламаслик учун эркаклар захирани танлашга, у билан ишлашга мажбур бўлишади [6].

МУҲОКАМА

Юртимизда 2016 йилда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фанлар академияси, Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий марказ, Хотин-қизлар қўмитаси, ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий қўмитаси, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан Соғлом она ва бола йилига бағишилаб ўtkazilgan anjumannda aёllarning jamiatdagi ўrni, gender tengligi xususida sўz bordi. Unda yurtimiz etakchi soziologlari, demograflari, ҳукуqshunoslari, iktisodchi hamda siёsatshunoslari, olij yókuv yurtlari ўқituvchi va talabalari, respublika ilmий tadқiqot institutlari, nodavlat natiжorat tashkilotlari ҳamda ommavij axborot vositalari vakillari қatnaşdi.

Сўров натижаларига кўра, хотин-қизларимиз мамлакат ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча жабхасида муносиб фаолият юритмоқда. Улар нафақат -навқирон авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш соҳасида, балки саноат ва

кишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ҳалқ фаровонлигини ошириш йўлида ҳам салмоқли қисса қўшаётир.

Респондентларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг замонавий аёли — таълим олиб, қасб эгаллаётган, хизмат даражаси пиллапояларидан кўтарилиб, мамлакат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этаётган ижтимоий фаол шахс. Аҳамиятлиси, сўровда қатнашган аёлларнинг мутлақ кўпчилиги ўзларини баҳтли, деб ҳисоблашади. Оила ва мамлакатимиизда хукм сураётган тинчлик-осойишталик, яқинларининг саломатлиги, баҳтсаодати хотин-қизларнинг эртанги кунга ишончини ошириб, қайфиятига ижобий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардандир [7].

ХУЛОСА

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда жамият ҳаётида аёлларнинг нуфузи ортиб бормоқда. Лекин, шуни ҳам афсус билан айтишимиз керакки, ҳали-ҳануз аёлга уй бекаси сифатида қаровчилар орамизда йўқ деб атолмаймиз. Энди, бундай эскича қарашлардан воз кечиш вақти келди.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. 344-345.
2. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент. 2019 йил 2 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. 2020 йил 4 январь. 3-сонли қарор.
4. Қутлимуратова Н. Ўзбекистон – БМТ: мақсадлар муштарак. Parliament.gov.uz/24.09.2020.
5. Хидирова Б. Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг ўрни. Ижтимоий ҳаёт. 14 декабр 2020.
6. Ходжаева С. «Бизда гендер камситишлар йўқ дейиш — ўз-ўзимизни алдашдир». «Газета.uz». 14 октябрь 2020 й.
7. Маҳкамова Ф. “Аёлларнинг жамиятдаги ўрни – жамоатчилик эътиборида”. Ҳалқ сўзи. 2016 йил.